

16 ДЕКАБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА ЎТГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИДА ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИҚДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ҲАМДА, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ.



# ҲУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 17-ДЕКАБР, №50 (1247)

## ТАШҚИ ҚАРЗ ЎСМОҚДА

**НИМА УЧУН  
ҚАРЗ ОЛИШГА  
ЭҲТИЁЖ ТУҒИЛАДИ?**



Молия вазирлиги маълумотига кўра, 2020 йил 1-октябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган қарз қолдиғи 20,8 млрд. доллар эквивалентини ёки ялпи ички маҳсулотга (ЙИМ) нисбатан 36,8 фоизни ташкил этди.

3-БЕТ

## ҚИМОРБОЗ КАССИР

Беғижон Рўзимов 2020 йил 6 январь куни «Hamkorbank»нинг Нукус филиали кассасидан Тўрткўл минибанки кассасига етказиб берилган 150 минг АҚШ доллари ва 50 млн. сўм пулни 4 ва 5-кирим ордерлари асосида Тўрткўл минибанки кассасига, яъни ўзининг моддий жавобгарлигига кирим қилган.

Жорий йил 13 январда 10 минг доллари, 17 январь куни 11 395 доллари, 22 январь куни 20 минг доллари, жами 41 395 доллари «Микрокредитбанк»нинг Тўрткўл филиали валюта айирбошлаш шохобчасида сўмга алмаштириб, ушбу банкнинг чакана хизматлар бўлими орқали ўзининг пластик картасига ўтказди. Кейин уяли алоқа телефони орқали «1хBet» иловасининг қимор ўйинига тикиб, жами 394 млн. 850 минг 810 сўм пулни ютқазади.

Бундан ташқари, Б.Рўзимов жиноятини яшириш мақсадида расмий бухгалтерия ҳисоби ҳужжати ҳисобланган касса кирим-чиқим ҳужжатларини қалбақлаштираган.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, 21 август куни жиноят ишлари бўйича Қораўзақ тумани суди томонидан Б.Рўзимовга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

**Уктамбай ДАВЛЕТОВ,**  
департаментнинг Тўрткўл тумани бўлими бошлиғи



Оз қолди!!!

## КУНДУЗИ ҲАМ ЧИРОҚ ЁҚАМИЗ(МИ)

Яқинлашиб келаётган 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб, кундузи ҳам «фара»ларни ёқиб ҳаракатланмаган ҳайдовчилар маъмурий жавобгарликка тортилади.

Кўпчилик хабардор, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги «Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори билан куннинг ёруғ вақтида барча автоматотransпорт воситалари яқини ёритувчи чирокларини ёки кундузги сигнал чирокларини ёқиб ҳаракатланмиши шарт қилиб белгилангани кенг жамоатчилик ва депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлган эди. Масъуллар бу нарса хавфсизликни таъминлаш самаралорлигини ошириш мақсадида жорий этилгани, сабаби чироклари ёқилган ҳолда ҳаракатланаётган транспорт воситаси тез эътиборга тушиши ва ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам уни ўз вақтида илғаб олишига имкон яратиши билан изоҳланган эди.

Шундан сўнг орадан бироз вақт ўтиб, аниқроғи, 2019 йил 4 июнда «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳуқуқат қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб эса ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган автомобилларга кундузи автоматик ёнадиган чироклар ўрнатиш мажбурийлиги, бу каби чироклари бўлмаसा, импорт машиналар мамлакатга киришмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига куннинг ёруғ вақтида автоматотransпорт воситаларининг яқини ёритувчи чирокларини ёки кундузги сигнал чирокларини ёқиб ҳаракатланмаганлиги учун жавобгарликни енгиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган.

Кўпчилик ўша пайтда кундузи чирок ёқиб юриш амалиёти бекор қилинибди, деган фикрга ҳам борди. Аслида, бу тартиб бекор қилинмаган, қарор билан унинг амал қилиш муддати узайтирилган эди. Аниги шуки, юқорида келтирилган қарорда 2021 йил 1 январга қадар кундузи чирокларни ёқиб ҳаракатланиш шартлиги ҳақидаги талаб фақатгина автоматик ёниб турувчи кундузги чироклари бор машиналарга нисбатан татбиқ этилиши аниқ-равшан қилиб ёзиб қўйилган.

Мана ҳаш-паш дегунча ўша муддат ўтиб, белгиланган кун эшик қоқиб турибди. Балки унганча яна бирор ўзгариш бўлиб қолар. Янгилик бўлса, албатта хабардор қиламиз. Аммо нима бўлган тақдирда ҳам, ушбу қоидаларни эътибордан четда қолдирмайлик.

Ўз мухбиримиз



2021 йил учун 12 ойлик обуна:

«**Ҳуқуқ**» газетасининг йиллик (52 та сон) таннари **392 000** сўм.  
Газетани обуначига етказиб бериш ҳисобга олинмаган.

Тегшли ташкилотларнинг хизмат ҳаққини қўшган ҳолда йиллик обуна нархлари куйидагича.

«**Матбуот тарқатувчи**» АЖ  
**457 608** сўм  
(Тошкент ш.)


«**Ўзбекистон почтаси**» АЖ «**Матбуот тарқатиш**» филиали **468 984** сўм  
(Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар), **454 320** сўм (Тошкент ш.)

«**Кўҳна-шош**» МЧЖ  
**392 000** сўм  
(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.)

«**Тошкент почтамти**» филиали  
**454 320** сўм  
(Тошкент ш.)

«**Ҳуқуқ**» газетаси таҳририяти билан шартномаси мавжуд ташкилотлар





BOZHI PROKURATURADA

## АДАШГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

10 декабрь куни Бош прокурор раислигида Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган 40 нафар фуқаронинг жиноий жавобгарликдан озод этиш ҳақидаги мурожаатлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, яъни Олий суд, Ички ишлар, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ташқи ишлар вазирликлари, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, Дин ишлари бўйича кўмита, Мусулмонлар идораси раҳбар ходимлари, ДХХ ва Бош про-

куратуранинг бошқарма ва тармок бошликлари ҳамда масъул ходимлари катнашди.

Йиғилишда комиссия аъзолари томонидан 11 нафар фуқарони жиноий жавобгарликдан озод этиш ҳамда 28 кишини жиноий жавобгарликдан озод қилишни рад этиш ҳақида хулосага келинди, 1 нафар фуқаронинг мурожаатини қўшимча ўрганиш учун ишчи органга юбориш ҳақида овоз берилди.

Жиноий жавобгарликдан озод қилинган 11 фуқарони Ўзбекистонга қайтариш, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳақида топириқлар берилди.

Йиғилишда комиссия ва ишчи гуруҳ аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

TADBIR

## ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларга доир бешта муҳим ташаббуси ижроси доирасидаги тадбирлар давом эттирилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида ёшлар билан учрашув, оммавий қабул ва бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Олмалик кон-металлургия комбинати маданият саройида сектор раҳбарлари, мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги, бандликка кўмаклашиш маркази, банк ва бошқа ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда марказдан олисда яшовчи 200 га яқин ёшлар қатнашди.

Тадбирда Ш.Узаков ёшларимизга давлат томонидан кўрсатилётган эътибор, уларнинг ўз қобилиятини намойиш қилиши учун яратилган шароитларни аниқ мисоллар билан тушунтирди.

Учрашувда ёшларнинг муаммолари, тақлиф ва мулоҳазалари тингланди. Қабул қилинган 47 та, жумладан, банк-кредит

йўналишида 10 та, ҳарбий соҳа бўйича 3 та, ишга кириш масаласида 16 та, тадбиркорликни бошлаш юзасидан 7 та ва бошқа масалаларга оид 11 та мурожаат қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун назоратга олинди.

Меҳнат ярмаркасида ёшларга маълумоти ва мутахассислигига мос келадиган иш ўринлари таклиф этилди.

Бундай тадбирлардан қўзланган мақсад Президентимизнинг ёшларга доир бешта муҳим ташаббуси ҳам марказдаги, ҳам чекка ҳудудларда яшовчи ёшларга бир хил татбиқ этилишига эришиш, ёшларга қонунийлик ва ижтимоий адолат тамойилларига амал қилган ҳолда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг муаммоларини мутасаддилар билан ҳамкорликда, қонунийликда белгиланган тартибда ҳал қилиш чораларини кўришдан иборат.

**Ботирбек СОБИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдამчиси

FAOLIYAT

## МАҲКУМНИНГ ҲАМ ҲУҚУҚИ БОР

Қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Навоий прокуратураси томонидан 2020 йилнинг 11 ойи давомида қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Махсус прокуратура томонидан назоратдаги 5 та жазони ижро этиш муассасасида суд ҳукмларига асосан жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мунтазам равишда текширишлар ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

2019 йилда вилоятдаги колонияларда жазо ўтаётган 39 нафар маҳкум, 2020

жазони ўтаётган 20 нафар маҳкум афв этилган бўлиб, шундан 11 нафарининг жазо муддати кискартirilган, 9 киши жазодан озод этилган.

Махсус прокуратура томонидан 19 та текшириш ўтказилиб, жами 84 та прокурор таъсир чораси – 54 та протест, 15 та тақдиминома, 14 та огоҳлантирув қўлланган. Иктисодий судга 62 млн. сўмлик даъво аризалари киритилиб, 67 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Шунингдек, назоратдаги муассасаларда тартиббузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқий онгини ошириш борасида 359 та тадбир ўтказилган.

Махсус прокуратурага 11 ойда 220 та мурожаат келиб тушган, шундан 191 таси ҳал қилиниб, 44 таси қаноатлантирилган. Ходимлар томонидан 283 киши қабул қилиниб, улардан 141 нафари шахсан прокурор қабулида бўлган.

Худудда жиноятчиликка қарши курашиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада кучайтирамиз.

**Шавкатжон ШЕРНАЗАРОВ,**  
Навоий махсус прокурори

## ИККИНЧИ СЕКТОР: МУАММО ВА ЕЧИМ

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг турмушини яхшилашга, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хива тумани прокурори раҳбарлигидаги 2-сектор ҳудудида 11 та маҳалла бўлиб, карантин даврида ишсиз ва камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ишлар қилинмоқда. Маҳаллаларда 11798 та оила, 49721 нафар аҳоли бор. Меҳнатга лаёқатли кишилар сони 25358 нафар бўлиб, шундан 1833 нафари ишсиз.

Карантин даврида 17 та хонадонга 618 500 сўмлик дори-надорон, коммунал қарзи бўлган 5 та хонадонга 421 минг сўм пул, 76 млн. 686 минг сўмлик озиқ-овқат тарқатилди ҳамда 21 та хонадонга иссиқхона куриб берилди.

### 106 та хонадон «Темир дафтар»дан чиқарилди

165 та хонадонга ёрдам кўрсатилиб, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминлашни натижасида 106 та хонадон «Темир дафтар»дан чиқарилди. Ўрганишлар натижасида 47 та хонадон «Темир дафтар»га киритилди. Ҳозирги кунда бу тоифадаги хонадонлар 106 та. Уларга 95 млн. 700 минг сўм пул берилди.

Айни кунда ҳудудда асосий эътибор таълим муассасаларини кўпайтириш ва болалар қамровини оширишга ҳам қаратилмоқда. Чунончи, 7 та давлат, 3 та

давлат-хусусий шерикчилиги ҳамда 15 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти ташкил қилинди ва қамров даражаси 46 фозга етказилди. 9-давлат мактабгача таълим муассасасида реконструкция ишлари тугатилмоқда ва у тез орада ишга туширилади. Шунингдек, «Гандимиён ниҳоллари» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти янгидан барпо этилмоқда.

Сектордаги мактабларни 2019/2020 ўқув йилида битирган ўқувчиларнинг 15 фозини (98 нафар) олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинди. Ўқишга қира олмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш чораси кўрилмоқда. Ушбу мактабларнинг 6 тасида сунъий қопламали спорт майдонлари ташкил этилди.

Январь-сентябрь ойларида сектор ҳудудида 8 аёлга тикувчилик цехи, сартарошхона ва фитнес зали ташкил қилиш учун 218 млн. сўм кредит ажратилиб, 20 та иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга секторда аҳоли учун зарур хизмат турларини кўпайтиришни бошладик. Жумладан, 30 та лойиҳа учун 1 млрд. 846 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиши орқали 42 та иш ўрни ташкил қилишга эришамиз.

**Жаҳонгир САПАЕВ,**  
Хива тумани прокурорининг ёрдამчиси



# ТАШҚИ ҚАРЗИ ҶСМОҚДА

## БУ ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИМИ?

Молия вазирлиги маълумотига кўра, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган қарз қолдиғи 20,8 млрд. доллар эквивалентини ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 36,8 фоизни ташкил этди.

Хусусан, дастлабки ҳисоб-ки-тобларга кўра, жорий йилнинг дастлабки 9 ойида давлат ташқи қарзи 2,8 млрд. долларга ёки йил бошига нисбатан 18 фоизга ошиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 18,5 млрд. долларга ёки ЯИМга нисбатан 32,8 фоизга етди.

Сўнги йилларда мамлакатимизнинг қарзи ҳақидаги маълумотлардан барча хабардор, қалаверса, давлат қарзи ошиб бораётгани ташқи ва ички иқтисодий жараёнларда давлатнинг фаол қатнашаётганини билдиради. Бу яхши. Аммо ҳар қандай қарзини қайтариши ҳам керак. Хўш, давлат қарзининг кўпайиб бориши нимага олиб келади? Бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий ўсишига қандай таъсир қилади? Давлатнинг бюджет ва солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда нимага эътибор қаратиш зарур? Юқоридаги микдор мамлакат иқтисодиёти учун хавfli эмасми? Шу каби саволлар билан мутахассисга юзландик.

### Нима учун қарз олишга эҳтиёж туғилади?

– Давлат бюджетни ҳаражатлари ва даромадларининг муносиблиги солиқ сиёсатининг барқарорлигини таъминлайди,

– дейди **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макро-иқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими Жавохирбек Шералиев**. – Агар бюджет бир неча йил мобайнида дефицит – камомад ҳолатида бўлса, унда ички ва ташқи манбалардан қарзи ортиб бориши табиий. Яъни камомадни қоплаш учун ҳукумат қарз олишга мажбур бўлади. Мамлакатимизда бюджет тақчиллиги 2015 йилдан буён кузатилаётган. Давлат халқаро биржаларга қимматли қоғозларини жойлаштириш, халқаро молиявий институтлардан кредит олиш эвазига мажбур камомадни қоплаб келмоқда. Натияжада қарзимиз ҳам йилдан-йилга ортиб бораёпти.

Ўзбекистоннинг давлат қарзи 2014 йилда 12 млрд. доллар бўлган, 2016 йилда деярли 16 млрд. долларга етган. 2019 йилда эса 17,6 млрд. доллардан ошди (ЯИМга нисбатан 30,5 фоиз).

### Ички ва ташқи қарз учун оптимал чеклов лозим


Тадқиқотчининг фикрича, давлат қарзи иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим омил, аммо унинг ҳаддан ортиб кетиши келгуси иқтисодий ўсишга

салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай шароитда ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи қарзи миқдорига нисбатан энг маъқул чекловни қўйиши, бу чеклов мамлакатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсирни минималлаштирадиган нуктада бўлиши ҳозирги кунда барча давлатларнинг олдига турган долзарб вазифа саналади. Турли халқаро институтлар – Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа иттифоқи мамлакатнинг давлат қарзи лимитини белгилаш бўйича ўз тавсияларини бериб келмоқда. Жумладан, Европа иттифоқига ўқишлининг асосий шартларидан бири – давлат қарзининг ЯИМга нисбати 60 фоиздан ошмаслиги. Сўнги йилларда Ўзбекистон давлат қарзининг тақлиф қилинган даражадан ошиб бораётгани қарз миқдорини чеклаш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши тақозо этади.

Давлат қарзини таҳлил қиладиган бўлсак, ташқи қарз охириги йилларда ички қарзга нисбатан ортиб бораёпти. 2019 йилда бу нисбат 4 баробар тезроқ ўсган. Бу нимадан далолат? Бу корона-пандемия шароитида Ўзбекистон ташқи ва ички қарзлари ўсишини сезиларли даражада камайтириш ва уларга қатъий

## Ўзбекистон Республикаси Давлат қарзи динамикаси

(млрд. АҚШ доллари)



чеклага ўрнатиш кераклигини далолат. Агар иқтисодий ўсиш прогноз кўрсаткичларидек бўлмаса, давлат кейинги йилларда қарзини тўлаш ҳажминини оширишига тўғри келади. Табиийки, иқтисодий ўсиш суръати пасаяди.

### Қандай чоралар қўрилгани маъқул?

Коронавирус пандемияси даврида бюджет ва солиқ сиёсати барқарорлигини мустаҳкамлаш, давлат ташқи қарзининг самарали бошқарилишини таъминлаш учун аввало истъомолни рағбатлантириш билан бирга ишлаб чиқаришни ҳам вақтинча рағбатлантириш керак. Яъни уларга солиқ имтиёзларидан ташқари имтиёзли кредитлар ҳам берилса, ишлаб чиқариш рағбатлантирилади ва иш ўринлари сақлаб қолинади. Агар ишлаб чиқарувчи иш ҳақининг бир қисмини вақтинча тўлай олмаса, давлат имтиёзли кредит ажратиши бугунги шароитда энг яхши чорадир.

Мамлакат иқтисодиёти бошқа мамлакатлар иқтисодиётига боғлиқ. Масалан, Россия ва Хитой билан экспорт-импорт операцияларимиз кўп. Шу боис бу давлатлардаги иқтисодий ўзгаришларнинг салбий оқибатлари иқтисодиётимизга таъсир эти-

шининг олдини олиш чорасини қўриш зарур.

Давлат қарзининг юқори чегарасини белгилаш ва ундан ошиб кетмаслигини таъминлаш – кечиктириб бўлмас вазифаларимиздан. Халқаро валюта жамғармасининг тавсиясига кўра давлат қарзининг юқори чегараси 55 фоиздан ошмаслиги керак. Молия вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра айни пайтда давлат қарзи ЯИМнинг 36,8 фоизига тенг. Шунингдек, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон учун давлат қарзи ЯИМнинг 45 фоиздан ошмаслиги лозим. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълум бўлишича, Бюджет кодексига давлат қарзи тўғрисида банд киритиш, давлат бюджети параметрлари тасдиқланганидек давлат қарзи параметрларини ҳам белгилаб олиш иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг барча қарзлари иқтисоднинг кўтариши ва реал даромад келтиришга сарфланаётгани халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**  
«Нур»

## БАРИБИР ОГОҲ БЎЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

Бугун мамлакатимизда коронавирус балоси бироз чекиниб, жорий этилган карантин чоралари юмшатилади.

Бу яхши, албатта. Карантин чекловлари юмшатиш, кафе, ресторан ҳамда айрим кўнгличор объектлар, масжидлар фаолиятини карантин талаблари асосида рухсат берилди. Таълим муассасаларида одатий ўқув шакли тикланди. Шу билан бирга, ҳар бир фуқаро тиббий никобда бўлиши, икки метрлик масофани сақлаши, шунингдек, бинолардаги ускуналарни доимий дезинфекциялаш ва ҳаво айланиш тизимини зарарсизлантириш каби талабларга қатъий амал қилиниши белгилаб қўйилди.

Афсуски, кўча-кўйда, бозорлар ва бошқа жамоат жойларида кўпчилик фуқаролар карантин талабларига бепарволик билан қараётгани ачинарли ҳол. Масалан, масофа сақлаш, никоб тақиш каби олдий талабларни бузиш, тўй ва оилавий тадбирларга ҳаддан зиёд одам йиғиш авж олаётди.

Зеро, карантин талабларининг юмшатилиши бепарволикка берилиши мумкин дегани эмас, аксинча, бундан буюғига ҳар ким ўзи ва атрофдагиларнинг ҳаётига хавф солмаслик мақсадида огоҳ бўлиши лозим деганидир.

Дунё тажрибасидан маълум бўлишича, пандемия шароитида жорий этилган чекловларга қараганда одамлар орасидаги карантин маданияти коронавируснинг олдини олишда кўпроқ самара берар экан. Масалан, 33 миллион аҳолиси бор Малайзияда 2020 йилнинг август ойида 355 кишида касалланиш кузатилган бўлса, сентябрь ойининг дастлабки ҳафтасида бор-йўғи 37 киши коронавирусни юқтирган. Бу натижага қандай эришилди? Аввало, пандемия шароитида аҳоли ҳукумат жорий этган талабларга онгли равишда қатъий амал қилган. Улар ҳозир ҳам мамлакатда карантин чоралари бекор қилинган бўлишига қарамасдан масофа сақлаш, никоб тақиш, илжи борица оммавий тадбирларни ўтказмасликни одатга айлантиришган.

Коронавирус балоси ҳали тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Чунки Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан тегишли ташкилотларнинг ходимларини жалб қилган ҳолда ўтказилган ўрганишларда бу борада салбий ҳолатлар кузатилаётган. Шундай экан, ким бўлишимиздан қатъий назар, санитария ва гигиена талабларига риоя қилишимиз лозим.

**Алишер РАХИМОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи



### ҲОЗҲОНДА ЙИРИК ЛОЙИХА

**Ҳозгон шахрида мрамор қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Қобил Турсунов, ҳудуд фаоллари иштирок этди.**

Давлат раҳбари 2019 йилнинг 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи давомида Ҳозгон шахрида табиий тошларни қазиб ва қайта ишлаш бўйича топшириқ берган эди.

Мухтарам Президентимиз топшириқларига асосан «Мраморбод» МЧЖ ҳудудида майдони 11000 метр<sup>2</sup> бўлган асосий бино ва яна 10 та кичик лойиҳа биноси қурилиши якунланди. Банкнинг 4 млн. долларлик имтиёзли маблағи ҳисобига Хитойдан йилига 70 минг метр<sup>3</sup> тошни қазиб олиш ва 1,2 млн метр<sup>3</sup> тошни қайта ишлаш кубватига эга замонавий ускуналар келтирилди.

Ҳозирда «Мраморбод» МЧЖга тегишли 2 та карьерда янги ускуналарда гранит тошлари қазиб олинмоқда. Шу кунгача 15 000 метр<sup>3</sup> табиий тош қазиб олинган. Карьерлар тўлиқ очилгач, йилига 72 000 метр<sup>3</sup> тош қазиб олиш режалаштирилган.

**Шерали АЗИЗОВ,**  
департаментнинг Ҳозгон шахар бўлими бошлиғи

**Абдулазиз Комилов 14 декабрь куни Чехиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Вацлав Йилекни қабул қилди.**



# ОҚСОҚОЛНИНГ ТАРОЗИСИ ТЎҒРИ ИШЛАМАСА...

Маҳалла раисининг зиммасидаги масъулият юки жуда оғирлиги кўпчилиққа аён. Киши бир курсида ястаниб, бир муҳрни қарсиллатиб уриб турса, раис бўлиб қолмайди. Оқсоқол аввало маҳалладошларининг ўй-ташвишларидан, орзу-армонларидан хабардор бўлиши зарур.

Афсуски, Муборак тумани прокуратураси томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга риоя этилиши Истиклол ҳамда Машғал маҳаллаларида ўрганилганида оқсоқоллар бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйгани аниқланди.

Хужжатларда фуқаролар йўғини фаолиятининг асосий мақсади маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳудудидаги фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдан иборатлиги белгилаб қўйилган. Бироқ юқоридаги маҳаллаларда қонун талабларига риоя этилмаган. Давлат мулки талон-торож қилинган.

Хусусан, Истиклол маҳалласида фуқаро С.Сотоговага 2020 йилнинг апрель ойида оила аъзоларининг даромади шу даврда белгиланган мезондан олганига қарамасдан ўн тўрт ёшга кирмаган фарзанди учун нафақа тайинланган. Май ойида 262 минг сўм нафақа ошиқча тўлаб берилган.

Шунингдек, М.Қорахоновага оила аъзоларининг ижтимоий аҳволи тўлиқ ўрганилмасдан, икки ёшга кирмаган фарзанди учун 2020 йилнинг июнь ойидан 2021 йилнинг май ойига қадар на-

фақа тайинланган. Июнь-август ойларида 1 млн. 302 минг сўм нафақа ошиқча тўлаб берилган.

Маҳалла раиси Нурулло Хиддиев қонун талабини бузиб, Янгиқорақум қишлоғида яшовчи Ш.Санаеванинг 8 апрелдаги, Н.Қобилваннинг 10 июндаги, Т.Салимов ва О.Салимовнинг 12 июндаги алоҳида рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари ва Д.Мадраимованинг 9 июндаги моддий ёрдам бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқмасдан, муаллифга жавоб хати юбормасдан ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Юқоридагиларга кўра, Нурулло Хиддиевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилиб, суд қарори билан жазо тайинланди.

Машғал маҳалласида фуқаро Ф.Мавлоновага 2020 йилнинг февраль ойида икки ёшга кирмаган фарзанди учун 2020 йилнинг март ойидан 2021 йилнинг март ойига қадар нафақа тайинланган. Аммо август ойида тўлашни лозим бўлган 434 минг сўм ўрнига асоссиз равишда 868 минг сўм тўланган. Мазкур ҳолатда бюджет пулини талон-торож қилган маҳалла раиси Хайрулло Набиев ҳам қилмишига яраша жазосини олди.

Ҳа, юқорида айтганимиздек, ишончга муносиб бўлиш осон эмас. Оқсоқол аввало ҳолис бўлиши зарур. Қарерда адолат тарозиси бузилса, ишончга путур етади. Бу ишончни қайта қозониш эса жуда мушкул иш...

**Абдирашид ЖУРАЛОВ,**  
Муборак тумани прокурори

## ЎТИЛМАГАН ДАРС УЧУН ҲАҚ

Тиббиётда хато кечирилмаганидек, таълимда ҳам адашишнинг оқибати яхши бўлмайди. Чунки таълим – келажакка қўйилган пойдевор. Илк ғишт тўғри қўйилса, иморатнинг маҳобати ҳам шунга яраша бўлаверади. Ана энди бу соҳадаги қинғирликнинг оқибатини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

2018 йилдан Мингбулоқ тумани халқ таълими бўлимида марказлаштирилган молия, бухгалтерия хизмати бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган Аваз Самадова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам, бўлимда бош иқтисодчи бўлган унинг шериги Сотим Қулиевга ҳам бу аён эди. Улар бутун туман таълимининг иқтисодига, иш ҳақи ҳисоб-китоби ва тўланишига масъул эдилар. Бироқ бу икки кимса ана шу жавобгарликдан чекинб, жиноий режа тузишди.

2018/2019 ва 2019/2020 ўқув йилларида тумандаги мактабларнинг 1094 нафар ўқитувчисига ўтилмаган 1955 соат дарс учун 17 млн. 44 минг 892 сўм иш ҳақи тўлаб, бюджет пулини талон-торож қилдилар.

Ушбу жиноят тафсилоти билан танишиш асносида ишга келмай маош олиш, устамаларга эга бўлиш ҳақидаги гап-сўзлар бежиз эмас экан-да деган хаёлга борасан киши. «Шамол бўлмаса, дарахнинг учи қимирламайди» деганларича бор.

Афсуски, бош ҳисобчи ва бош иқтисодчи Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Халқ таълими тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига зид равишда ўқитувчиларга жами 55 млн. 671 минг 712 сўм ортқича устама тўланишига йўл қўйилган.

Бу «Давлатнинг пули қамайиб қолармиди?» қабилида иш тутишдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, давлат бюджетни сизнинг, бизнинг – барчамизнинг пулимиздан шаклланади ва шунинг учун унинг ҳисобини сўрашга ҳам ҳаммамиз ҳақлимиз.

Шунингдек, фанларни ўқитиш, дафтар текшириш, иш ҳақи тарификацияси, раҳбарларга ҳақ тўлаш борасида ҳам уларнинг айби билан 15 млн. 187 минг 878 сўм пул талон-торож этилди. Қинғир ишлари фош бўлиб, бунинг жавобини бериш фурсати келганида улар етказилган зарарни тўлиқ қоплашди.

Юқоридаги қилмишлари сабаб иккови ҳам суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди. Ана шундай юзи шувутликдан асрасин!

**Нодиржон ХАСАНБОВЕВ,**  
Мингбулоқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

## FAOLIYAT

# БИЗНЕСДА НИМА ГАПЛАР?..

Самарқанд вилояти прокуратурасининг ташаббуси билан бу йил барча ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида ҳар бир туман ва шаҳарда тадбиркорлар билан учрашувлар уюштирилди. Тадбиркорларнинг муаммолари аниқланиб, ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, вилоят савдо-саноат палатаси биносида вилоят ҳокими билан биргаликда ҳар ҳафтанинг душанба куни «Тадбиркорлар куни» ўтказилмоқда.

Прокуратура ходимлари томонидан 894 та тадбиркорнинг 262 нафарига 32 млрд. сўм кредит, 13 нафарига 429 гектар ер, 3 нафарига бино ажратилишида, 308 тасига коммуникация тармоқларига уланишида, 57 нафарига лицензия ва рухсатнома олишида ҳамда 251 нафарига бошқа масалада ёрдам кўрсатилди.

Тушунтириш ишлари самара бериб, 2020 йилнинг ўтган даврида 11 мингдан ортқ тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Турли сабаблар туфайли ишини тўхтатган 266 тадбиркорнинг фаолияти тикланди ва 1580 та янги иш ўрни яратилди.

Прокуратура ходимлари стратегик аҳамиятга эга лойи-

халарнинг ташаббускорлари, экспортчи корхона раҳбарлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан шахсан учрашиб, муаммо ва таклифларини ўрганаётти.

Пастдарғом туманидаги «Ўсимлик шифо нур» ХК қурилган қизилмия илдизини экспорт қилишида вужудга келтирилган муаммолар хусусида мурожаат қилди. Корхона раҳбари С.Савиджонов билан суҳбат ўтказилганда, айланма маблағини ошириш учун «Капиталбанк»нинг Самарқанд вилояти филиалидан 300 млн. сўм кредит сўраганини баён қилди. Кредит ажратилишини тезлаштириш вилоят прокуратураси назоратида олинди.

Назорат тадбирларида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилгани ҳам аниқланди. Тадбиркорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилинган ҳолатлар юзасидан маъмурий иш кўзгатилди.

Иштихон тумани давлат хизматлари марказига хусусий тадбиркор Х.Норбеков объект-ни қайта ихтисослаштириш ва

**Судларга  
3 млрд. 221  
млн. 370 минг  
сўм ундириш  
тўғрисида даъво  
аризалари  
қиритилди.**


реструкция қилишга рухсат бериш ҳақида сўров юборган. Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи А.Муродов сўровни кўриб чиқмасдан ҳеч бир асоссиз рад этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

«Фавқуллода ёнгининг олдини олиш» МЧЖ назоратчиси Умида Абдуқобилова ва Мадина Худоёрова ўзларини ёнгинга қарши курашиш хизматидан миз деб таништириб, Чархин кўрғонидаги «Нафис Орзу» оилавий корхонасига қарашли «Акфа» ромлари цехига кириб, ноқонуний текшириш ўтказган. Уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилди.

Тадбирларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 16 та тақдимнома киритилиб, 20 та протест келтирилди. 21 киши ёзма равишда оғохлантирилиб, 21 нафар мансабдор шахс маъмурий, 14 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг манфаатини кўзлаб судларга 3 млрд. 221 млн. 370 минг сўм ундириш тўғрисида 76 та даъво аризаси киритилди. 4 та жиноят иши кўзгатилди ва 62 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

**Саъдулло ЮСУПОВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори





# АҲОЛИ ҚАЙ ТАРТИБДА РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ?

JARAYON

Юртимизда 1989 йилдан бери аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмагани, аҳоли сони, жойлашуви ва бошқа жиҳатлар ҳақида етарлича маълумот йўқлиги боис 2019 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди.

Мазкур қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири унда аҳолининг нафақат рўйхатга олиниши, балки рўйхатга олинаётган шахслар — респондентларнинг бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб берилганлигидир.

Респондентлар ўзига доир маълумотлар нима мақсадда йиғилаётганини, улардан қим ва қандай фойдаланишини билиш, ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини аниқлаштириш, рўйхатга олувчи ходимлардан гувоҳномасини кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса рўйхатга олиш варағиди саволларга жавоб бермаслик, рўйхатга олиш варағининг шаклига бинаноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Респондентлар аҳолини рўйхатга олишга монелик қилмаслиги шарт.

Болалар интернатларида, тарбия муассасаларида, «Болалар шахарчалари»да, ижтимоий, диний муассасаларида, шифохоналарида, зўравонликдан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларида, камокда сақлаш жойларида, тергов ҳибсхонасида, ахлоқ тузатиш муассасаларида ва махсус муассасалардаги респондентлар тўғрисидаги маълумотлар ушбу муассаса ва ташкилотларнинг маъмурияти томонидан йиғилади.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ходими бўлган Ўзбекистон фуқаролари ҳамда уларнинг ўзи билан бирга бўлган оила аъзолари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган чет давлатлар доимий ваколатхоналарининг, халқаро, ҳуқуматлараро ташкилотлар ва чет давлатлар ҳуқумат ташкилотлари ваколатхоналарининг ходимлари бўлган чет эл фуқаролари ҳамда уларнинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ дипломатик имтиёзларга ва иммунитетга эга бўлган бошқа шахслар рўйхатга олинмайди.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури ёши, миллати, тилларни билиши, маълумоти, яшаш шaroити, яшаш учун маблағ манбалари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Сўров давлат тилида ўтказилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар саволларга ўз она тилида ёки бошқа тилда жавоб қайтариши мумкин.

Рўйхатга олиш бўйича яқуний маълумотлар юридик ва жисмоний шахслар учун очик бўлади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**Дониёр ХАЛИЛОВ,**  
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори  
**Фарҳод САЛИХБАЕВ,**  
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

2010 йилда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 2 фоизи меҳнат муҳожирларининг фарзандлари бўлган, 2020 йилда бу рақам 8,2 фоизга етган. Яъни, 164 нафар боланинг ота-онаси фарзандини давлат қарамоғига топширган. Уларнинг 29 нафарини фақат оталари, 121 тасини оналари, 14 нафарини эса ҳам отаси, ҳам онаси ташлаб хорижга ишлашга кетган. Аммо бу масаланинг бир томони, холос.

Шунингдек, бошқа давлатларда ишлаётган мигрантларнинг яна бир қанчаси фарзандларини кимларгадир ишониб топшириб кетган. Уларнинг аҳоли қандай кечмоқда?..

Ота-онаси узоқда меҳнат қилаётган болаларнинг таълими, соғлиги ва умуман ҳаёти масаласи Ўзбекистонда иш бошлаган янги лойиҳа доирасида атрофлича таҳлил қилинди. ЮНИСЕФ ва Европа иттифоқи кумагида миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш лойиҳаси Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё ҳамда Марказий Осиё минтақаларидаги саккизта мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилди. Лойиҳа асосан мигрантларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, васийлик ва ҳомилик органлари, давлат ва нотижорат ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Бунинг учун республикамизнинг тўртта вилояти танлаб олинди. Яъни, лойиҳа мигрантлар сони юқорилик бўлган Бухоро, Фарғона, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида bosқичма-bosқич амалга оширилди.

онлайн дарс ўтди. Болаларга васий бўлиб қолган бувиларнинг мобил алоқа қурилмаларидан тўлиқ фойдалана олмаслиги болаларга таъсирини ўтказди. Қолаверса, бундай оилаларда интернет тўплами учун маблағ етишмаслиги туфайли болалар уй вазифасини бажаришда қийинчиликка дуч келган. Васийлар ҳар доим ҳам болаларнинг онлайн дарс олиш жараёнини кузатиб бормаган. Бундан ташқари, катта оилаларда барча болалар учун техник воситалар етишмайди.

Карантин пайти лойиҳа мутахассислари мигрантларнинг фарзандлари ва уларга васий қилиб қолдирилган шахслар билан телефон орқали суҳбатлашиб турди. Бу жараёнда 31 та бола ва 46 нафар васийга психологик, тиббий, юридик ёрдам кўрсатилди. Июнь ойида тадқиқот олиб борилаётган оилаларнинг 10 тасида ота-оналар қайтиб келиши. Улар туман ҳокимликлари ва бошқа идоралар томонидан ишга жойлаштирилди. Натижада бу оилаларнинг моддий аҳоли анча яхшиланган. Таъкидлаш жоизки, қийин даврда муҳтож



Тадқиқот давомида аввало ота-онаси ёки улардан бири ишлаш учун хорижга кетган болаларнинг ҳиссий ҳолати, васийлари билан муносабати ўрганилди. Бу жараёнда 2019 йил апрелдан 2020 йилнинг шу давригача мазкур ҳудудлардаги 540 нафар фарзанди бўлган 275 та оилага тавсиялар берилди. 107 та оилада узоқ вақт талаб қиладиган ҳуқуқий, ижтимоий, психологик муаммолар аниқланди ва уларга ёрдам берилди.

Пандемия туфайли кўп давлатларда жорий қилинган карантин меҳнат мигрантлари ва уларнинг оилалари учун аниққаса оғир бўлди. Бу даврда васийлар нафақат моддий қийинчиликка, балки педагогик ва ижтимоий муаммоларга ҳам дуч келишди. Шунинг учун бундай оилаларга аввало гигиена ва коронавирус инфекциясининг олдини олиш, болаларнинг ўқитилишини ташкил этиш бўйича маслаҳат берилди. Уларнинг эҳтиёжлари аниқланди.

Маълум бўлишича, оилада ягона даромад васийларнинг пенсиясидир. Пенсия миқдори ҳам кам. Чунки неварасига васий бўлган бувиларнинг аксарияти ёшлигида уй бекаси бўлгани, яъни меҳнат стажы кўп бўлмагани боис пенсияси ҳам катта эмас. Аксариятиники 1 миллион сўмдан ошмайди. Бу борада яна бир муаммо бор. Моддий томондан қийинаётган мигрантларнинг оилалари 2 ёшгача ёки 14 ёшгача бўлган болалари учун маҳалладан бола пули ололмайди. Чунки ёрдам олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни йиғиш имкони йўқ. Масалан, республикадан ташқарида бўлган ота-оналар иш жойидан маълумотнома келтириб бера олмайди.

Айниқса, карантин пайтида чекка қишлоқлардаги мигрантлар фарзандларининг таълим олиши муаммога айланди. Чунки бу даврда болалар

оилалар давлат кумагисиз қолмади.

Меҳнат муҳожирларининг фарзандларини қўлаш зарур бўлган бир қатор муаммолар бор. Масалан, аксарият оилалар миграциянинг ижобий таъсирини салбий томонлардан юқори деб ҳисоблайди. Чет элда ишлаётган оила аъзолари юборадиган пулга улар тиркичилигини ўтказиши мумкин. Бироқ пул оилаларнинг, айниқса болаларнинг психологик эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун етарли бўлмайди. Оиладаги вазиятдан қатъи назар, кўпчилик болалар ота-онасини соғинади. Тадқиқот шуни кўрсатдики, ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг ҳиссий ҳолатига кучли таъсир қиладди. Ҳеч ким ота-онанинг ўрнини босолмайди. Болалар отасиз ёки онасиз яшаганда кайфияти ёмонлашиб, бора-бора соғинч ўрнини турли стресслар эгаллайди. Бу эса болаларнинг турли ноғул ушларни қилишига сабаб бўлади.

Маълум бўлишича, васийлар оdatда болаларни тарбиялаш ва назорат қилишининг турли усулларидан фойдаланади. Болаларнинг 7 фоизга яқини жисмоний жазага тортилади. 3 фоизи уйда, 6 фоизи мактабда таҳқирланади. Болаларнинг учдан бир қисми ота-онаси чет элга ишлаш учун кетганидан кейин қўшимча мажбуриятларни зиммасига олишга мажбур бўлади. Бу асосан уй ишлари ва ука-сингилларига ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ.

Хулоса қиладиган бўлсак, мигрант оилаларига тегишли ҳар бир болага нисбатан васийликни расмийлаштириш зарур. Шунингдек, васийликни рўйхатдан ўтказиш тартибини содда-лаштириш лозим.

**Лайло ФАЙЗИМУРОВА,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Осиё тараққийёт банки мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳа учун 93 млн. доллар ажратади.



Қашқадарё вилоятида сувдан қандай фойдаланилаётгани таҳлил қилинди. Унда сувдан тежаб фойдаланиш, ирригация ва мелиорация учун ажратилаётган пулларнинг тўғри сарфланиши, шунингдек сувни тежовчи технологияларни жорий қилгани учун субсидия ажратилишида бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди.



## ТОМЧИСИ ТИЛЛОГА ТЕНГ

### Қурилиш ва таъмирлаш ишлари нега суст?

Маълум бўлишича, дастурга киритилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари коникарсиз ҳолатда. Хусусан, 2020 йилда 45 та ирригация ва мелиорация объектида 152,6 млрд. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, шундан 27 млрд. сўмлик иш бажарилмаган.

Назоратсизлик оқибатида 8,2 млрд. сўмлик 5 та объектда қурилиш учун пул тўлиқ тўланиб, фойдаланишга топшириш муддатидан 108 кундан 198 кунгача ўтиб кетган бўлса-да, қурилиш якунига етказилмаган. Масалан, «Қасбимахсус-евпудрат» МЧЖ Китоб туманидаги 2,4 млрд. сўмлик «Оқбой» насос станцияси ва 3,4 млрд. сўмлик Катагон канали бош дамбасини селдан химоя қилиш объекти қурилишини июнь-июль ойларида тугатиши белгиланиб, пули тўланган бўлса-да, қурилиш бугунги кунгача якунланмаган.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ молиялаштирилган бўлса-да, қиймати 24 млрд. сўмлик 7 та объектда 3,6 млрд. сўмлик иш жадвалдан орқада қолган. Масалан, «Яккабоғ кўрғони» ИЧКК томонидан Косон тумани Гувалак массивидаги 6,7 млрд. сўмлик насос станцияси ва 4,5 млрд. сўмлик 43 та қудуқнинг қурилиши (жами 2,7 млрд. сўмлик иш) кечикмоқда.

Шунингдек, 3,9 млрд. сўмлик 4 та объектда қурилиш якунланганига бир

неча ой ўтган бўлишига қарамадан улар бугунги кунгача фойдаланишга қабул қилинмаган. Масалан, «Китоб-таракқиётқурилиш» МЧЖ томонидан Шахрисабз туманидаги Танхозларё остидан ўтувчи Сандар докери ва Китоб туманидаги Ўнгиргоқ каналининг бир қисмини селдан химоя қилиш объектида қурилиш ишлари аллақачон якунланган. Аммо ушбу объектлар фойдаланишга қабул қилинмасдан турибди.

«Нишонмахсус-евпудрат» МЧЖ томонидан реконструкция ишлари тугаганига уч ойдан ошқик вақт бўлган Чироқчи туманидаги Уймувот канали ва Китоб туманидаги «Сарой» насос станцияси лоток тармоқларида ҳам вазият шундай.

Бу йил қурилиши тугалланиши белгиланган 13 та объектда бугунги кунда атиги 68 фоиз иш бажарилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари йил якунига қадар тугалланмай қолиш хавфи юзага келган. Мисол учун, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ махсус механизациялашган йўл станцияси томонидан Косон туманида 43 та қудуқда бугунги кунда 51 фоиз иш бажарилган, холос.

### Кўзбўямачилик кимга керак?

Афсуски, вилоят пахтазорларида томчилатиб суғоришни жорий қилишда ҳам кўзбўямачиликка йўл қўйилмоқда. Жумладан, бу йил вилоят бўйича 17 та фермер хўжалигида 442 гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилмасдан қолмоқда. Бундай ерлар Қамшида 30, Шахрисабзда 69, Ғузорда

113 ва Миришқорда 230 гектар. Масалан, пудратчи «Серенди Амбалаж-Сан ТИК АС» корхонаси томчилатиб суғориш жиҳозларини вақтида олиб келмагани сабабли режадаги ерларга ўрнатилмасдан қолган.

Пахта етиштиришда томчилатиб суғоришни жорий қилиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа субъектларга 8,5 млрд. сўм субсидия ажратилишининг қонунийлиги доимий равишда ўрганилмаган.

Бош прокуратура ишчи гуруҳи томонидан ўрганилганда Нишон туманидаги «Холиёров Абдусалим» фермер хўжалигида 35 гектар ерга сувни тежовчи технология жорий этилиши лойиҳалаштирилиб, 25 гектар ерда жиҳозлар умуман ўрнатилмаган бўлса-да, туман хокимлиги ишчи гуруҳи томонидан лойиҳадаги ерларга мазкур технологиялар тўлиқ жорий этилган дея хулоса қилиниб, субсидия ажратилишига эришилган.

### Тўғри фойдаланилмаётгани

Сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базаси талабга жавоб бермайди. Балансдаги 85 та экскаватордан 20 таси (23,5 фоизи), 30 та бульдозердан 9 таси (30 фоизи) носоз.

Сувдан тежаб, тўғри фойдаланиш масаласи ҳам оқсамоқда. Прокуратура органлари томонидан сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси бўйича ўтказилган 19 та текшириш ва мониторингда 180 та прокурор назорати ҳужжати қўлланган, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан

ваколатли идораларга 11 та тақдимнома киритилган, 24 киши интизомий, 37 киши маъмурий жавобгарликка тортилган. 8 та жиноят иши кўзгатирилган бўлиб, бугунги кунда 7 таси бўйича тергов давом этмоқда.

Назоратсизлик оқибатида давлат дастурига киритилган объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари кечиккани учун вилоят ирригация ҳавза тизими бошқармаси бошлиғи Т.Эгамназаров, «Қашқадарёсувқурилиш-инвест» МЧЖ бошлиғи А.Шарипов ва 19 та пудратчи ташкилот раҳбарлари қонун бузилишига йўл қўймайлик ҳақида расман огоҳлантирилди. Масъулиятсизликка йўл қўйгани учун Касби тумани ирригация бўлими бошлиғи Ф.Раҳматов лавозимидан озод қилинди. Сув соҳасидаги талон-торож билан боғлиқ юқорида қайд этилган жиноятларнинг терговви Бош прокуратура раҳбариятининг топшириғига асосан вилоят прокуратурасининг иккисоний жиноятларга қарши курашиш бўлимига ўтказилиб, назоратга олинди.

Халқимиз азалдан сувни оби ҳаёт дея эъозлаб келади. Томчиси тиллога тенг бу неъмат орқали бозорларимизга маъмурилик, рўзгоримизга барака, дастурхонимизга тўқинлик кириб боради. Шу бос соҳадаги исрофгарчилик, лоқайдлик, кўзбўямачиликни асло кечириб бўлмайдми.

### Нодиржон Жўраев,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари

AKS SADO

## БАРАКА ИЗИДАН

«Ниқиқ» газетасининг 26 ноябрдаги 47-сонига «Саломнинг ниҳояси барақадир» номли мақолада муаллиф Ғофуржон Алимов долзарб масалани кўтарган.

Мақолани ўқигач, айнан уша кезларда телевидение орқали намойиш этилган бир воқеа хаёлимга келди. Роликда бир корхонада юз берган ҳодиса тасвирланган. Асосий қаҳрамонлар қоровул амаки билан

ишчи аёл. Ҳар кун эрталаб ишчилар корхонага кириб келади. Иш вақти тугагач, ҳамма уйига тарқалади. Шундай кунларнинг бирида кечки пайт уша аёл бир юмуш билан холодильникка кирди. Аксига олиб эшик ташка-

ридан қулфланиб, аёл камалиб қолади. У ҳар қанча кичкириб, ёрдамга чакирса ҳам овозини ҳеч ким эшитмайди. Ахволи танг бўлиб, деярли музлаб қолганда эса қоровул амаки келиб, уни қутқаради.

Аёлниң «Холодильникка камалиб қолганимни қаердан билдингиз?» деган саволига қоровул амаки шундай жавоб беради:

— Қизим, сен ҳам ҳар кун эрта билан бошқалардек ишга келиб салом берардинг. Кечқурун фақат сенгина хайрлашиб

кетардинг. Бугун эса хайрлашганинг йўқ, эшикдан ҳам чиқмадинг. Шунга хавотир олиб, қидириб киргандим. Яхши ҳам кирганим...

Очиги, нафақат салом бериш, балки саломга алик олиш ҳам зарурлигини фильмдаги шу кичкинагина сюжет орқали кўриб, нақадар бой кадрларимиз борлигига яна бир марта амин бўлдим. Шундай экан, саломлашиш маданиятимизнинг ажралмас қисми эканлигини ёшларга тушунтиришимиз лозим. Улар

саломлашиш оддий бир одат эмаслигини тушуниб етсин.

Бундан ташқари, катталар ҳам саломга алик олишда безътибор бўлмаслиги керак. Кўпинча салом беришдан қайтарилган омиллардан бири саломга яраша алик олмаслик ҳисобланади. Шу сабабли ўзимиз ёшларга ибрат бўлишимиз кераклигини унутмайлик.

### Бахтиёр КАЮМОВ,

Бош прокуратура академияси кафедра бошлиғи



Аллоҳ ҳар бир бандасини виждон азобида қолишдан асрасин. Йўқса, бу бешафқат туйғу сўнгги нафасинг чиққунига қадар гирибонингдан олади. Туну кун тинчлик бермайди.

Оғир гуноҳга қўл ургач, унинг фош бўлиб қолишидан чўчиган Сафар Икромов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қаердан нажот топишни билмай қолди. Бир муддат бошини чангаллаганча хонанинг бир бурчагида ўтирди. «Тез ёрдамга кўнғирок қилмоқчи ҳам бўлди-ю, бу ниятидан ҳам қайтди. Чамаси, у хотинининг аллақачон жон таслим қилганини ҳис этиб турарди. Ниҳоят, диван устидаги аёлни олиб, Ноиланинг устига ёпди-да, ўзи кўчага чиқди. Қочгани билан барибир қилмиши зумда фош бўлиб, уни излаб топишларини англагани боис тўғри ИИБ буюриши томон юрди...

\*\*\*

Сафар Ноилага уйланганида йигирма уч ёшли навқирон йигит эди. Ноила ҳам тенгқурлари орасида чиройи билан ажралиб турарди.

Улар олти йил бинойидек яшашди, икки фарзанднинг ота-онаси бўлишди. Атрофдагиларнинг наздида улар ҳаётидан мамнун, бахтли эдилар. Сафар тез-тез Қирғизистонга бориб, новвойлик қилиб пул ишлаб келар, Ноила унинг ота-онаси хизматида қоларди. Чиндан ҳам ўшанда бахтли эдилар.

2017 йилнинг қаҳратонида Сафар Қирғизистондан қайтди-ю, хотини ўзгариб қолгандек юрагига шубҳа оралаб, унга тинчлик бермай қўйди. Чиндан ҳам Ноила қандайдир бошқача эди. Юриш-туришлари, гап-сўзлари... Афтидан, бу гал эрининг қайтиши ҳам унга ёқмагандек эди... «Чиройли аёлларнинг ишқибози кўш бўлади дейишади. Мен йўғимда унга биров тўр ташлаган бўлмасин яна...», — дея кечалари уйқуси ўчиб, тўлғона бошлади эр.


Ўша шубҳа сабаб хотинини зимдан кузатиб юрган Сафар 2018 йилнинг март ойларида унинг кўшини туманда яшовчи Махмуд исмли йигит билан смс ёзишиб юрганни сезиб қолди. Шунда ҳам индамади, арконни узунроқ ташлади. Шу зайл Ноила гафлатда қолди — Сафар пайт пойлаб ўша йигит билан телефонда гап-лашаётганида хонага кириб қолди. Бўлди тўполон, бўлди қиёмат!..

Ўша кунни Сафар гарчи ғазабдан титраб-қакшаганча роса жанжал кўтарган бўлса-да, жаҳлини жиловлай олди. Ноилани бир нима қилиб қўйишдан чўчиб, унинг оила аъзоларини чақирди-да, хотинини уларга қўшиб ҳайда юборди. Бунақа хиёнаткор аёл билан яшашни истамади. Икки фарзандини эса ўзи билан олиб қолди.

Она экан-да, Ноила кетишга кетди-ю, фарзандларисиз яшай олмаслигини билгач, эрига кўнғирок қилиб ялинишга тушди:

— Мени болаларимдан айирманг, илтимос! Тавба қилдим! Ё уларни олиб келиб беринг, ўзингиз ҳам шу ерда мен билан яшанг... Бунақа ҳолат бошқа қайтарилмайди, чин сўзим!..

Сафар бошида хотинининг ялиниб-ёлворишларига қулоқ солмади, уни қайтариб ташлади. Ҳатто бир-икки марта келиб жанжал ҳам кўтарди.



## РАШК СЎЗИНИ АЙТДИ...

— Енгилтак она қандай қилиб фарзандларига тўғри тарбия бериши мумкин?! Сен ўз ифлослигинг ортидан оилангни ҳам, болаларингни ҳам ўз қўлинг билан йўқотдинг, тушундингми?! Энди бизни безовта қилма! Мени ҳам, болаларни ҳам! — дея бақир-чақир қилиб кетди.

Бирок орадан беш-олти ой ўтгач, ундаги ғазаб сўниб борди. Фарзандлари Ноила билан учрашишга қаршилик қилмай қўйди. Ҳатто уларни ўзи олиб келиб қўярди баъзан. Ноила эса бу вазиятдан унумли фойдаланди. Болаларини ўзи билан олиб қолиб, эридан алимент ундириш учун судга мурожаат қилди.

Ўша кезлари Сафар билан Ноиланинг муносабатлари яна таранглашди. «Нима, шу пулни суд орқали олмасанг ҳам сендан, болалардан хабар олмайганимизми?!», — фигони ошди Сафарнинг. Аммо бора-бора ўртада тушунарсиз муносабатлар пайдо бўлди. Баъзида Сафар кунда-кунора қайнонасиникига келаверар, баъзан эса ойлаб қорасини кўрсатмасди.

2019 йилнинг май ойида Ноиланинг онаси ишлаш учун Туркияга кетгач, Сафар бу хонадонга бемалол келиб-кетадиган бўлди. Қариндош-уруғлар ҳам оиланинг тикланиб кетишидан умидвор, қуёвга қарши бир сўз айтишмади. Аксига олиб, Сафар хотини ва болаларини олиб кетиш ҳақида гап ҳам очмасди. Чамаси, оила-сидигилар Ноилани кечиримолмаётган, уларнинг ярашишга розилик беришмаётган. Боз устига, Сафарнинг ўзи ҳам хотинига ортқ ишонмай қўйган, бироқ

қаттиқ яхши кўрганидан умидини узиб ҳам кетолмасди.

2019 йил сентябрь ойи охирида Сафарнинг ота-онаси «Бундай бетайин ҳаёт уни бир кўнғилсизликка дучор қилади. Хотин олиб берсақ, ўша енгилтакнига қатнашдан тийилади» деган ўйда уни уйлантириш ҳаракатига тушиб қолишди. Сафар ҳам қўнди, уйланди.

Кейинги турмуш ўртоғи билан бир ойча бинойидек яшади. Шу орада бир-икки марта болаларини олиб келиш баҳонасида Ноиланикига борди-ю, яна унга бойланди-қолди.

Ноябрь ойи охирлари. Сафар ота-онасининг кистови билан уйига печка қуришга киришди. У кеча болаларини олиб келиш баҳона собиқ хотининикига борган, шу тобда тезроқ у билан учрашиш иштиёқи ҳаловатини ўтирлаганди. Боз устига, Ноила ҳам тез-тез кўнғирок қилиб, болаларини ташлаб кетишини сўрар, синглисининг қатта опасиникига кетиб, уйда ёлғиз ўзи эканини айтиб, вималаргадир шама қиларди. Шунинг учун ишларини енгил-елпи яқунлади-ю, Ноиланинг ёнига жўнади.

Ҳовлига кириб борганида ҳамма ёқ жим-жит эди. Уни қилмайганча кутиб олган Ноила аввал болаларни сўради. Сафар «Уларни атай олиб келмадим. Ўзинг айтдинг-ку «Елғизман, синглим опамникига кетган, эртага келади» деб?... Болалар ҳам бизга халал беришмасин деб ташлаб келдим» дегач, ноз билан эрининг бўйнига осилди... Сафар ўша тун Ноила билан қолиб кетди...

Бошида эри билан ярашиб кетишига умид боғлаб юрган жувон унинг уйланиб олганини эшитгач, аввалига қарахт бўлиб юрди. Қайнонасиникига бориб жанжал кўтармоқчи ҳам бўлди. Бирок ўзининг аввалги қилмишларини эслаб иккиланиб қолди. Уйлай-уйлай айёрлик билан яна эрини ўзиники қилиб олиш истагида бугунгидек учрашувларни уюштира бошлади. У Сафар билан жанжаллашаверса, кўнғил қолиб, бутунлай янги хотини билан бўлиб кетишидан чўчирди. Шунинг учун ҳам эрига яхши гапирар, ҳар келганида мазали таом тайёрлаб, эркаланганча кўнғилини олишга уринарди.

Бугун у билан тунаб қолганидан жуда хурсанд Ноила учиб-қўниб нонушта тайёрлашга тушди. Бирок Сафарнинг кетишга тараддулланаётганини кўриб, бирдан феъли айниди:

— Ҳа, қаёққа?

— Уйга бормасам бўлмайди. Ҳамма хавотир олиб ўтиргандир... Кеча келаётганимда «тезда қайтаман» дегандим...

— Ҳеч қаёққа кетмайсиз! — Ноила аввалига ноз-ишва билан эрини олиб қолишга роса ҳаракат қилди. Бирок Сафар қолмаслигини айтиб, кийина бошлагач, зарда билан ўшқирди:

— Дарров кетар экансиз, нега болаларни олиб келмадингиз? Уйда бир ўзим қоламанми энди?! Кўркаман ўзим дейман-ку?!

— Болаларга кийим олиб бермоқчи уйдагилар... Кейин ташлаб кетаман, — Сафар унинг гапига эътибор ҳам қилмай кийинаверди. Бундан баттар жазаватга тушган Ноила эрини олиб қолишнинг бирдан бир йўли — унинг рашқини уйғотиш деган хаёлга бордим, шартта хаёлга келган гапни айтиб юборди:

— Аввалроқ кетишингизни айтганингизда, бирорта ўйнашимни чақириб олардим!..

Бу гапни эшитган Сафарнинг ранг-кути ўчди.

— Нима дединг?! Қанақа ўйнаш?! Қимлар билан дон олишиб юрибсан яна?! — у шундай деганча қўлидаги пальтосини отиб юбориб, Ноиланинг телефонига ёпишди. Жувон чаптастик қилиб қочиб қолди. Бирок тилини тиймай, яна таҳдид қилишга тушди:

— Ҳа, гапим оғир ботдимми?! Сизнинг келиб-кетишингиз бунақа бўлса... Хохласам, ўйнашимни чақираман, нима дейсиз?! Сиз менга хўжайинимсиз?!

Шундоқ ҳам жаҳлини зўрга жиловлаб турган Сафар бу гапларни эшитиб бутунлай қушоққондан чиқиб кетди. Икки хатлашда Ноилага этиб олди-ю жаҳл билан бўға бошлади. Ўзига келганида эса...

\*\*\*

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти сулида Сафар Икромовнинг мазкур жинояти кўриб чиқилгач, унга ўн уч йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шундоқ ҳам тўқсиз оила тафтини туймаган икки норасида эса она меҳридан мангуга мосуво бўлиб, дилига адоват уруғи экилди. Эрта-индин у униб чиққач, улар Сафарни қайтиб ота дейишармикан, буюиси қоронгу.

Афсуски, шу каби оғир саволларнинг кети узилмайди. Кенга кенг, торга тор дунё дея бежиз айтишмаган. Ҳеч қимни тўғри йўлдан тойдирмасин. Кексаларимизнинг келин-куёвга «Қўша қаринлар» деб тилак билдиришида ҳикмат кўп.

**Фарҳоджон РАҲМОНОВ,**  
Андижон вилояти прокурорининг  
биринчи ўринбосари



# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрь куни эълон қилинган «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида қатор йўналишлар белгилаб берилди.

Фармонга биноан Халқ таълими вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар малакали педагог, илмий ходимлар, психолог ва хоржий экспертларни, шу жумладан, Финляндиянинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқади.

2021 йил 1 мартдан бошлаб педагогларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотларига халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш ҳукуқи берилди. Халқ таълими ходимлари ўз ихтиёрига кўра малака ошириш масканини танлаш имкониятига эга бўлишди.

Энди Халқаро математика олимпиадаси – International Mathematical Olympiad (IMO), Халқаро физика олимпиадаси – International Physics Olympiad (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси – International Chemistry Olympiad (IChO), Халқаро биология олимпиадаси – International Biology Olympiad (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси – International Olympiad in Informatics (IOI) да ғолибликни (олтин, кумуш, бронза медални) қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган ўқитувчиларга олий, академик лицей ва касб-хунар мактабларининг ўқитувчиларига бош ўқитувчи малака тоифаси берилди. Республика фан олимпиадалари ҳамда кўрик-танловларнинг республика босқичида ғолиб бўлган ўқувчиларни тайёрлаган ўқитувчиларнинг малака тоифаси бир поғона оширилди.

Энг аҳамиятлиси, фармонда ўқитувчиларни рағбатлантириш масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Жумладан, 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-хунар мактаблари педагогларига синф (гурух) раҳбарлиги учун қўшимча тўловлар 1,5 баравар оширилди.

2021 йил 1 январдан эса Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили туманлар (шаҳарлар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумтаълим рейтингини тузилиб, биринчи ўринни эгаллаган умумтаълим муассасалари директорлари маҳаллий



бюджет ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорнинг 10 баравари миқдорига рағбатлантирилади. Шунингдек, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги методистларнинг иш ҳақи олий тоифали ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдорига, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари услубчи-маслаҳатчиларининг иш ҳақи бош ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдорига тенглаштирилиши белгиланди.

## Умумтаълим муассасаларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий қилинади.

Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2024/2025 ўқув йилига қадар фаолиятида юқори натижаларга эришган педагогларнинг олийк машинаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 15 бараварига-ча босқичма-босқич ошириб бориш чорасини кўришлари лозим.

Қолаверса, ушбу соҳадаги бошқа янгиликлар ҳам эътирофга молик. Янги тартибга мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-хунар мактаблари битувчиларининг шаходатномаси (диплом иловаси) га 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичи киритилади ва ушбу кўрсаткич олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларида инобатга олинади.

Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланти-

риш вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилига қадар ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини рақамлаштириш ва шафдофлигини таъминлаш мақсадида барча умумтаълим муассасаларида «Электрон кундалик» дастурини жорий этади.

2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир умумтаълим муассасасида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий қилинади. Бу лавозимга Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси тавсия этган танқиди шoir, ёзувчи, журналист ва ижодкорлар, олий таълим муассасаларининг ижтимоий гуманитар кафедралари ўқитувчилари жалб этилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш тизими жорий қилинади. Бундан ташқари, профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизими жорий этилиб, ушбу тизим асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган муддатли меҳнат шартномасига мувофиқ иш ҳақи тўланади.

Кейинчалик профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий малакасини «WorldSkills» стандартлари асосида баҳолаш тартиби босқичма-босқич жорий қилинади ва «WorldSkills Uzbekistan» мусобақалари ўтказилади. Профессинал таълим муассасаларига хорижий мамлакатлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида ўрта бўгин кадрларни тайёрлаш ваколати берилди.

Фармонда олий таълим муассасалари учун ҳам бир қатор ўзгаришлар режалаштирилган. Жумладан, ОТМларнинг нуфузини ошириш мақсадида миллий рейтингнида сўнгги уч йил давомида биринчи учта ўриндан

бирини эгаллаб келаётган ОТМларга олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича академик ва молиявий мустақиллик берилиб, мустақиллик мезонлари Европа университетлари ассоциацияси стандартларига мувофиқ қабул қилинади. Миллий рейтингда биринчи 10 та ўриндан бирини эгаллаган ОТМга ихтисосликлар бўйича илмий унвонларни мустақил бериш ваколати берилади.

Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида 6 ноябрь куни Президентимизнинг «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Мактабгача таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш ҳамда бошланғич таълим дастурларининг узвийлигини таъминлаш чораларини кўради.

## Келаси йил мартга қадар «Педагогларнинг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар мактабгача таълим тизимида замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этилади. Халқаро стандартлар ва талаблар асосида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ривожланишини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилади.

Болаларнинг ўсиши ҳамда мактабгача таълим билан қамраб олиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича «Болалар боғчаси» ахборот бошқарув тизими ишга туширилади.

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Халқ таълими вазирлигининг Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истақболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этилади. Шунингдек, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг Педагогик-психологик таълим фаолиятини ташкил этиш

шўбалари негизда белгиланган штатлар доирасида юридик шахс мақомисиз Болаларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш белгиланди.

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ОТМларига кириш учун тест топириқларини тузиш ва экспертизадан ўтказишнинг янги тартиби жорий қилиниши ҳам кутилмоқда. Энг муҳими, амалдаги ABITUR дастурини такомиллаштириш ҳисобига янги дастурий мақсад 2021/2022 ўқув йили учун саралаш тест синовлари янги тест саволлари асосида ўтказилади.

Яна бир янгилик. 2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилади. Шунингдек, олтиқ толали юқори тезликдаги интернет линиялари олиб борилган умумтаълим муассасаларининг ички локал ускуналарини ўрнатиш, ягона «Электрон таълим» тармоғини жорий қилиш, уни бошқариш, контент яратиш ва техник қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетдан маблағ ажратилади. Умумтаълим муассасаларининг интернетдан фойдаланиш харажатлари маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб барча ОТМларнинг ахборот-ресурс марказларидаги дарслик ва қўлланмаларнинг рақамли форматга ўтказилиб, электрон платформаси шакллантирилишини таъминлайди, улар бўйича рақамли ягона ахборот кидирув тизими жорий қилинади.


Давлат олий таълим ташкилотларига хорижий талабаларни жалб этишни қўпайтириш мақсадида таълим хорижий тилларда олиб бориладиган гуруҳлар салмоғи босқичма-босқич оширилиб, уларни ўқишга қабул қилиш йилида икки марта семестрнинг бошида ташкил қилиниши белгиланди.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 1 мартга қадар муаллимларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш мақсадида «Педагогларнинг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳам кутилмоқда.

Ишонамизки, таълим-тарбия тизимидаги бу каби ислохотлар албатта самара беради.

**Шерзод АМИРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори  
**Гули ҚОЖИБОВА,**  
бошқарма етакчи мутахассиси





## ТЕНДЕРДА ЮТИШ «ХАРАЖАТИ»

Курилиш соҳасидаги энг муҳим жараён – тендер. Аслида тендер ҳалол курувчини ҳам қинғирликка бошлаши мумкин, агар у ноҳолис бўлса. Шунингдек, тендерга коррупция аралашса, бошланажак курилиш объектнинг пойдевори ҳеч қачон мустақкам бўлмайди. «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди» дейишади. Агар тендерлар ҳолис ўтказилганда эди, биз қуйида ҳикоя қиладиган воқеа ҳеч қачон бўлмасди.

Тендерда объект ютиб ололмаган курувчининг иши юришмайди. Буни Маҳаммад-шариф Қудратуллаев ва Авазбек Мадраҳимов жуда яхши билар эди. Шунинг учун бирорта курилиш ташкилоти раҳбарини тендер баҳона бемалол чув турширса бўлади. Улар шу мақсадда жиной тил бириктиришади. Бирор даврга қўшилсалар гапни шу мавзуга бурадиган бўлишиди. Гап озгандан озгандан

ўтиб тез таркайди. Уларнинг тарғиботи иш берди. Ниҳоят А.Мадраҳимовга тендер масаласида водийдаги курилиш ташкилотларидан бирининг раҳбари Жўра Нишонов алоқкага чиқди. Сухбат жараёнида А.Мадраҳимов бўш келмади, курувчининг эътиборини тортадиган аниқ фактларни ўртага ташлади. Буларнинг бири Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармасига тегишли мактаблардан бирининг катта суммадаги курилиш ва таъмирлаш ишлари эди. Шу объектни сизга олиб бераман, «харажати» килсангиз бўлди дейди А.Мад-

раҳимов. «Харажати» билан кизикқан Ж.Нишоновга 3 минг доллар бўлишини айтади. Курувчи рози бўлади, лекин унинг ваъдасига ишонмайди. Шундан сўнг А.Мадраҳимов жиной т шериги М.Қудратуллаевни ёрдамга чакиради. Иккови биргалашиб курувчини ишонтиришди. Унинг 3 минг доллар пулини олиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборишди.

Дастлабки ваъдаларини унутиб, пулни ишлатиб юборган икковлон Ж.Нишоновга яна тузоқ қўйишади. Бу сафар А.Мадраҳимов курувчини Қарм-

лаш бўйича шартнома олиб беришини айтиб алдайди. Ушбу объектнинг суммаси анча катта бўлгани учун ишни 7500 долларга хал қилиб беришини айтади. Курилиш ташкилоти ишсиз қолиб кетишидан чўчиган Ж.Нишонов бу сафар ҳам икки фирибгар талаб қилган пулни келтириб беради. М.Қудратуллаев ва А.Мадраҳимов пулни бўлиб олиб ишлатиб юборишади. Ваъда эса ваъдалигича қолаверади.

Учинчи сафар бу икки фирибгар Ж.Нишоновга яна бир объект ваъда қилишади. Тошкент шаҳридаги учта кўп қар-

ватли уйни таъмирлаш бўйича 2 млрд. 53 млн. сўмдан ортиқ шартномани минг доллар эвазига тендерда олиб беришни ваъда қилишади. Сабр қосаси тўлган Ж.Нишонов бу гал М.Қудратуллаев ва А.Мадраҳимовнинг қилмиши ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

Департаментнинг Миробод тумани бўлими ходимлари ўтказган тадбирда М.Қудратуллаев Ж.Нишоновдан яна минг доллар олган пайтда ашёвий далил билан қўлга олинди. Суриштирув жараёнида унинг ҳамтовоғи А.Мадраҳимов ҳам ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суида айбланувчилар қилмишларига иқдор бўлишиди. Суд А.Мадраҳимов ва М.Қудратуллаевга жазо тайинлаб ҳукм чиқарди.

**Шавкатжон ТУРДИМОВ,**  
департаментнинг Миробод тумани бўлими бошлиғи

## ЯЛАНГОЁҚ ЮГУРИШНИ ИСТАМАСАНГИЗ...

**Жамиятимизда бировни алдаш орқали мулкни қўлга киритишга уринаётган фирибгарлар сафи кенгаймоқда.**

Жиноят ишлари бўйича Музработ тумани судида ишга жойлаб қўяман деб бир фуқарони алдаган Хуршид Мустафоевга нисбатан ҳукм ўқилди.

Бу шахс Музработ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг фавқуллода вазиятлар бўйича ўринбосари вазифасида ишларди. Унда ходимларни ишга қабул қилиш, бирор жойга ишга тавсия қилиш ваколати йўқ эди. Шундай бўлса-да, у лавозимини пеш қилиб, фуқаро Ж.Эшонқуловга Сурхондарё вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармасидаги танишлари орқали тизимга ишга киритиб қўйишни ваъда қилди. Бунинг учун ундан 400 АҚШ доллари сўрайди.

Жабрланувчи ўша пайтда унинг таклифига қўнган бўлса-да, кейин департаментнинг Музработ тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

2020 йилнинг 8 июнь куни департамент ходимлари ўтказган тадбирда Х.Мустафоев туман тиббиёт бирлашмасининг ҳовлисида 400 долларни олган вақтида ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Музработ тумани судининг ҳукми билан Х.Мустафоевга ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шу ўринда таъқидлаш жоизки, аксарият ҳолларда ишонувчан, соддадил одамлар фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолади. Куруқ ваъдага учиб етти ёт бегонага бор бисотини қўшқўллаб топширишининг оқибати надомат билан унинг ортидан ялангоёқ югуриш бўлишини унутманг.

**Шиддатбек АБДУЛЛАЕВ,**  
департаментнинг Музработ тумани бўлими бошлиғи



## РЕЦИДИВИСТ ЯНА ҚАМАЛДИ

**Қува туманининг Гулобод маҳалласида яшаган, 50 ёшдан ўтган, илгари икки марта судланган Б.Б. судда айбига қисман иқдор бўлди.**

– 2013 йили Тошкент шарқшунослик институтининг корейс тили бўйича мутахассиси билан танишиб қолдим, – дейди судланувчи. – У Жанубий Кореяда ишлаб келган экан. Жанубий Кореяга ишлашга бормокчи бўлганларни имтиҳондан ўтказиб, ҳужжатларини расмийлаштиришини айтиб, «Ҳамкорлик қилайлик, ҳар бир кишидан улуш оласиз, ишга кетолмаганларнинг пулини қайтариб берамиз» деди.

Шу тариха икки фирибгар тил топишади. Б.Б. Жанубий Кореяга ишга бормокчи бўлган фуқароларни Тошкентга, шериги Х.Б.нинг ҳузурига бошлаб боради. Имтиҳонлардан ўтказиб, ишга жўнатиш учун 2014 йил июнь ойида Ш.Ўдан 2800 АҚШ доллари, октябрь ойида А.А.дан 4000 доллар, 2015 йил сентябрь ойида В.И.дан 2000 доллар, Э.М.дан 2500 доллар, 2016 йили С.С.дан 3500 доллар пул олади. Алданган, имтиҳонлардан ўта олмаган фуқароларнинг аризасига биноан Б.Б. ва Х.Б. жиной т жавобгарликка тортилиб, судланди.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаган Б.Б. эски ҳунарини давом эттиради. Энди Тошкент шаҳридаги фуқароларни

хорижга ишга жўнатишга тайёрловчи «Profelie Imp hususic bandlik agentligi»га ишга қиради. Таниш, нотаниш фуқароларни имтиҳонлардан ўтказиб, Жанубий Кореяга ишга юборишга ишонтиради. 2018-2019 йилларда ўндан зиёд фуқаронинг 2500 дан 3000 долларгача пулини қўлга киритади. Тошкентга олиб борган, имтиҳон топширган, бирок хорижга ишга бора олмаган икки фуқарога пулини тўлик қайтаради. Қолганларнинг пулини қайтармасдан алдаб юраверади.

Б.Б.нинг қилмиши жабрланувчиларнинг гувоҳликлари, далиллар билан тўлиқ тасдиқланди. Банкка қўйган 71 млн. 150 минг сўм пули жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплашга йўналтириладиган бўлди. Фирибгар келгусида қолган зарарларни ҳам тўлашини айтиб, суддан енгиллик беришни сўради. Суд икки марта судланганидан кейин ҳам фирибгарликни давом эттирган хавфли рецидивистини 5 йилга озодликдан маҳрум қилди.

**Абдуқоҳхор МАДРАХИМОВ,**  
департаментнинг Қува тумани бўлими бошлиғи

## МИЖОЗЛАР ЧЎНТАГИГА ҚЎЛ СУҚҚАН БАНКИР

**Р.И. «Агробанк»нинг Миришкор филиали етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келарди. Ўзим хон, кўланкам майдон қабилида иш тутган банкир мижозларнинг чўнтагига қўл суқишга ўтди.**

Ўзига банк хизмати кўрсатиш учун бириктирилган «Ў.» фермер хўжалигининг 13 млн. 705 минг сўм, «И.Н.» фермер хўжалигининг 12 млн. 575 минг сўм, «С.М.» фермер хўжалигининг 8 млн. 790 минг сўм ва «Б.А.» фермер хўжалигининг 18 млн. 90 000 сўм пулини хўжалик юритувчи турли субъектларга ўтказиб, ўзлаштириб юборди.

Бу ҳолатлар департаментнинг Миришкор тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширишда аниқланди. Суд ҳукми билан банкирга қилмишига яраша жазо тайинланди.

**Асқар БОЙҚУЛОВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

## ЎРМОНГА «БЎРИ» ОРАЛАДИ

**Халқимизда «Бирни кессанг, ўрни эк» деган нақл бор. Шаҳрихонлик Абдуллажон Бобоқулов учун бу нақлнинг аҳамияти йўқ шекилли. Акс ҳолда у ўз тасарруфида бўлмаган 145 гектар ўрмондаги ҳар бир дов-дарахтни асраб-авайлаган бўлур эди.**

Андижон вилояти давлат ўрмон хўжалигининг Бўстон участкасида ўрмончи этиб тайинланган бу шахс ўзи хон, кўланкаси майдон қабилида иш тутди. Беш ойдан сўнг дарахт кесишни бошлаб юборди. Унинг раҳбарлари бу ишни вақтида пайқамасди. Ўрмончи икки-уч ой ичида 110 та дарахтни қулатди. Уларни номаълум одамларга салкам 80 миллион сўмга сотиб юборди. Албатта, у дарахтларни кесиб сотиш билан чекланмади – кесилган дарахт атрофидаги бошқа ниҳолларни ҳам шикастлади, бу билан атроф-муҳитга 164 млн. 617 минг сўмлик зиён етказди.

Жиноят ишлари бўйича Пахтаобод тумани суди мазкур туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси билан ушбу масалани кўриб чиқди. Жиноят коллексига кўра айбли деб топилган Абдуллажон Бобоқулов 1 йил муддатга моддий мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Унинг озодлиги ҳам 1 йилу 6 ойга чекланди.

**Шухратбек ХАДЖИМУМИНОВ,**  
департаментнинг Бўстон тумани бўлими бошлиғи

Ўзбекистонда 9 ой давомидан энг кўп туғилиш Самарқандда, энг ками эса Сирдарёда қайд этилди.





## FAOLIYATIDAN

# ҲАМКОРЛИКДАГИ РЕЙДЛАР

2020 йил 24 ноябрь куни давлатимиз раҳбари «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

жарималарни ундириш чораси қўрилмоқда.

24 ноябрдан шу кунга қадар бюронинг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан йўл ҳаракати қондасини бузганлик учун тайинланган жарималарнинг 1 млрд. 421 млн. 405 минг 355 сўми ундирилди.

Ҳайдовчилар қондани бузганлик учун жарима солинган кундан эътиборан олтинмиш кун ичида жарима тўламаса Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига асосан транспорт жарима майдонига қўйилиб, жарима тўлангунга қадар ушлаб турилиши белгиланган.

Шу сабабли 490 нафар ҳайдовчига тегишли бўлган транспортлар белгиланган тартибда жарима майдонига қўйилди.

Эндиликда ушбу жарималар бўйича ундирилган пуллар фармонга асосан алоҳида газначилик ҳисобрақами билан пропорционал тартибда тенг равишда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

**Дилмурод КАРИМОВ,**  
МИБ Янгиёриқ тумани бўлими бошлиғи ўринбосари



## ҚАРЗДОРЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Мажбурий ижро бюроси Миробод ва Мирзо Улуғбек тумани бўлимлари ва туман бандлик маркази ҳамкорлигида алимент қарзи бўлган, ишга муҳтож кишиларни қизиқиши, лаёқати ва мутахассислигига қараб ишга жойлаштириш учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.**

Айни пайтда Миробод тумани бўлимида алимент билан боғлиқ 1251 та ижро ҳужжати бўлиб, қарздорлардан 791 нафари вақтинча ишсизлардир. 17 ноябрдан бошланган тезкор тадбирлар давомида 72 кишига иш таклиф қилинган, 21 нафари иш билан таъминланган, қолган 51 нафар ота таклиф қилинган ишни рад этган.

Бюронинг Мирзо Улуғбек тумани бўлимида эса алимент билан боғлиқ 2798 та ижро ҳужжати бўйича 1359 нафар қарздор ишсиз ҳисобланади. МИБ туман бўлими бандлик маркази билан ҳамкорликда ўтказган меҳнат ярмаркаларидан 18 нафари ишга жойлашиб, 51 нафар қарздор ишни рад этган. Бундан кўринадики, алиментчи оталар берилган имкониятдан фойдаланмаган.

Бу эса ўз-ўзидан алимент қарзи ошишига олиб келади. Шу боис 10 декабрь куни ҳам меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Иш излаб юрган қарздорлар ярмаркаларга жалб қилиниб, иш таклиф этилди.

МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда алимент ундирувини жадаллаштириш бўйича тадбирлар давом этади.

**Марғуба АМОНОВА,**  
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

## МАШИНА ХАТЛАНГАЧ, ҚАРЗ ТЎЛАНДИ


**Мажбурий ижро бюросининг Учқўрғон тумани бўлими давлат ижрочилари банкларга кредит қарзини ундириш чорасини кўриб келмоқда.**

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг 2020 йил 17 августдаги ижро ҳужжатига асосан «Тепакўрғон савдо курилиш» МЧЖ ва қўшимча жавобгарлар «Тошбулоқ курилиш» МЧЖ ва Бахтиёр Гофуровдан «Қишлоқ курилиш банк» Наманган филиалига 141 млн. 615 минг сўм кредит қарзини ундириш белгиланган. Давлат ижрочисининг ишни юритиш тўғрисидаги қарори тарафларга юборилган.

Қарзни тўлаш бўйича ихтиёрий муддат берилган, бироқ қарздор қарзини тўламагач, қўшимча жавобгар номида бўлган «Shaanxi SX3254DR384» русумли юк машинаси хатланган.

Транспорт хатланганидан сўнг қарздор қарзини тўлиқ тўлаб берди ва ижро ҳужжати тамомланди.

**Элёрбек РАХИМОВ,**  
МИБ Учқўрғон тумани бўлими давлат ижрочиси



## ГАЗ ИДОРАСИ ХОДИМИ ИШГА ТИКЛАНДИ

**Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг 2020 йил 31 октябрдаги ижро варақасига асосан Д.Файзиевни «Худудгаз Бухоро» МЧЖ «Гийдувонтумангаз» филиали чилангари вазифасига ишга тиклаш белгиланган бўлиб, ижро ҳужжати бюронинг Бухоро шаҳар бўлимига келиб тушган. Бўлим давлат ижрочиси Ҳ.Атоев томонидан ишга киришилган.**

Жамият раҳбари берилган ихтиёрий муддатда ижро ҳужжати талабини бажармаган тақдирда МЖТКнинг тегишли моддасига асосан жаримага тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида Д.Файзиев «Худудгаз Бухоро» МЧЖнинг 20 ноябрдаги буйруғига асосан ишга тикланган. Ижро ҳужжати талаби тўлиқ бажарилган ва ижро ишни юритиш тамомланган.

**Илҳом ТУРСУНОВ,**  
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

## САЛКАМ 80 МЛН. СЎМЛИК АЛИМЕНТ

**Мажбурий ижро бюросининг Андижон шаҳар бўлими юритувидаги фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2015 йил 9 декабрдаги буйруғига М.Раҳматуллаевдан Д.Шохобалиевага фарзандининг моддий таъминоти учун даромадларининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундириш кўрсатилган.**

Бўлим ходимлари томонидан қарздор алимент тўлаши юзасидан огоҳлантириб келинган бўлса-да, ота фарзандининг моддий таъминотидан бўйин товлаб келган. Шу боис унинг қарзи 2020 йил 1 ноябрда 79 млн. 506 минг сўмга етган.

Давлат ижрочиси қарздор билан суҳбатлашиб, қонунчиликда белгиланган жавобгарлик юзасидан тушунтириш берди. Бундан хулоса чиқариб, кеч бўлса-да, оталик масъулиятини тушуниб етган М.Раҳматуллаев қарзини тўлиқ тўлади. 20 ноябрь куни 79 млн. 506 минг сўм алимент пули Д.Шохобалиевага топширилди.

**Элдорбек ЭРГАШЕВ,**  
МИБ Андижон шаҳар бўлими давлат ижрочиси

## БАНК ФЙДАСИГА 229 МИНГ ДОЛЛАР

**Мажбурий ижро бюросининг Жиззах шаҳар бўлимидаги Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 30 сентябрдаги ижро ҳужжатига кўра «GSA Tashkent» хусусий корхонасидан «Ипак йўли» банкнинг Тошкент шаҳар филиалига 229 045,48 АҚШ доллари миқдоридан қарзини ундириш ҳамда ундирувини гаров мулки ҳисобланган, қўшимча қарздор «Rosagrogromsnab» МЧЖга тегишли бўлган, Жиззах шаҳар Тошкент кўчасида жойлашган нотурааржой биносига қаратиш белгиланган.**

Мазкур ижро ҳужжати бўлимига 19 октябрда келиб тушган ва ижро иши кўзга тилиб, қарздорга юборилган.

Белгиланган муддатда қарз тўланмагани сабабли бино хатланган ва уни сотишга киришилган. Шундан сўнг гаров мулки сотилиб кетишини истамаган «GSA Tashkent» хусусий корхонаси қарзни банкка тўлиқ тўлаб берди.

**Ғайрат РАХМОНҚУЛОВ,**  
МИБ Жиззах шаҳар бўлими давлат ижрочиси



# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



**Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Нина Шухтуева табаррук 80 ёшни қарши олмакда.**

У прокуратура органлари тизимидаги 20 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Тошкент вилояти прокуратураси органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Нина Шухтуеванинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба тақдирланган.

Ҳурматли Нина Павловна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази**



**Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон Нурмат Сулайманов табаррук 60 ёшни қарши олди.**

У тизимдаги меҳнат фаолияти давомида Фарғона вилояти прокуратураси органларида масъул лавозимларда ҳамда Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият юритиб, жамиятда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида самарали меҳнат қилди.

Айни чоғда Кўкон шаҳар прокурорининг ўринбосари лавозимида халқимизга астойдил хизмат қилишда давом этмокда.

Н.Сулайманов жамоа ходимлари билан ҳамнафас, ҳамфикр, жамоат ишларида ҳам ибрат бўлиб келмокда. Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Ҳурматли Нурмат Маматқодирович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

**Фарғона вилояти прокуратураси жамоаси**

ТАҲЛИЛ

## ТЕРГОВГА ОИД НОРМАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Жиноятларни тез ва тўлиқ фош этиш тергов органларининг самарали фаолиятига боғлиқ. Шу мақсадда тергов сифатини яхшилаш, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар терговини соддалаштириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмокда.**

2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилди ҳамда жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши белгиланди. Қайд этиш лозимки, суриштирув терговининг соддалаштирилган шакли бўлиб, жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб бир ой ичида тамомланиши керак. Қўшимча суриштирув муддати ўн кун. Дастлабки тергов эса жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ой ичида тугатилиши шарт. Дастлабки тергов муддати етти ойгача узайтирилиши мумкин.

Бугунги кунда ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия суриштирувчилари суриштирув ва терговни амалга оширади. Дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Юқоридаги ҳар бир органнинг фаолияти ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Жиноят-процессуал кодексига терговга тегишлиликка оид нормалар мустаҳкамланган.

Жумладан, ЖПКнинг 345 ҳамда 381<sup>2</sup>-моддаларида жиноят ишининг терговга тегишлилигига оид муносабатлар тартибга солинган. Терговга тегишлиликнинг аҳамияти шундаки, жиноят содир этилганда у бўйича қайси тергов органи тергов ўтказиш лозимлигини билади. Терговга тегишлиликни тартибга солувчи нормада Жиноят кодексига белгиланган барча жиноятлар акс этган бўлиши шарт, акс ҳолда муайян жиноят содир этилганда у бўйича қайси орган тергов ўтказиши лозимлиги ҳақида саволлар пайдо бўлади.

Жиноят кодексининг махсус қисмидаги моддаларнинг терговга тегишлилиги таҳлил қилинганда, бир қатор моддаларнинг терговга тегишлилиги белгиланмагани оқибатида қонунчиликда бўшлиқ вужудга келгани аниқланди.

Масалан, ЖПКнинг 125<sup>1</sup>-моддаси (Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 216<sup>1</sup>-моддаси (Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш) ва 216<sup>2</sup>-моддаси (Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) назарда тутилган жиноятнинг қайси суриштирув органига тегишлилиги ЖПКнинг 381<sup>2</sup>-моддасида белгиланган бўлиши керак. Бундан ташқари ЖПКнинг 168-моддасининг 4-қисми (Фирибгарлик), 230<sup>1</sup>-моддаси (Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) ва 230<sup>2</sup>-моддасида (Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) белгиланган жиноят қайси дастлабки тергов органига тегишлилиги ЖПКнинг 345-моддасида белгиланган бўлиши керак. Бу эса амалиётда сансалорликка олиб келади.

Шунингдек, ЖПКнинг 345-моддасида жиноят ишининг бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Жумладан, Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда асосланган қарорга биноан бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли:

1) агар жиноят ишининг тергови тегишли бўлган орган жиноятни ҳисобга олишдан илгари яширган бўлса;

2) агар жиноят ишининг тергови тегишли бўлган органнинг раҳбари ёки раҳбарнинг яқин қариндоши иш юзасидан жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар деб топилган бўлса;

3) айбсизлиги аён бўлган шахс айбланувчи тарихида жалб этилганда ёки қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарихидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида олдидан бида туриб қонунга хилоф равишда илтимоснома қўзғатилганда;

4) дастлабки терговни олиб боришда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қўлланилганда;

5) терговнинг натижаларига ва иш бўйича қонуний қарор қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тарзда ушбу кодекс талаблари бузилганда.

Амалиётда жиноят ишини бир тергов органидан бошқасига ўтказиш кўп вақтни талаб этадиган механизм асосида амалга ошириб келинмокда. Хусусан, жиноят ишини бошқа тергов органига ўтказиш юзасидан туман ёки шаҳар прокурорининг илтимосномаси билан ва унга тенглаштирилган прокуратураларга юборилади. Прокуратуранинг тегишли тармок ходими томонидан мазкур жиноят иши ўрганиб чиқилади ва вилоят прокурорининг соҳавий ўринбосарига ахборот берилади. Шундан сўнг вилоят прокурорининг розилиги билан жиноят иши Бош прокуратурага юборилади. Бош прокуратуранинг тегишли тармок ходими ҳам жиноят ишини ўрганиб чиқади ва Бош прокурор ёки унинг ўринбосарига ахборот беради. Шундан сўнг жиноят иши бир тергов органидан бошқасига Бош прокурор ёки унинг ўринбосарининг қарорига асосан ўтказилади. Ушбу ҳаракатларга бир неча кун талаб этилишини инобатга оладиган бўлсак, бу жиноят юзасидан кечиктириб қолмас тергов ҳаракатларини ўз вақтида ўтказиш ҳамда тергов органининг жиноятни тезда фош этиш имкониятини чеклайди.

Юқоридаги муаммо ва қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш тўғрисида»ги фармонида Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган ҳолларда жиноят иши фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан бир суриштирув ёки дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши мумкинлигини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жиноятларни тез ва тўлиқ фош қилишга, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга, жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Хуршид КАРИМОВ,**  
Бош прокуратура академияси кафедраси бошлиғи

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Alijon ABDULLAYEV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)

[Info@huquq.uz](mailto:Info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [ ] — tijorat materiali.

Buyurtma v-4467.  
14 635 nusxada bosildi.  
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma tobeq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terlik va sahifalandi. «HUQUQ» original maketti.

Navbatchi muharrir: K.ASQAROV  
Sahifalovchi: S.BABAJOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



**Сайловчилар коллегияси Жо Байденнинг АҚШ президентлик сайловларидаги ғалабасини тасдиқлади.**

17-DEKABR 2020-Y.

HUQUQ № 50

(1247)

11



## БАЙРАМНИ ХАВФСИЗ ЎТКАЗАЙЛИК!

Барчамиз яхши кўрадиган шодиёна – Янги йил байрами яқинлашгани сари кўнглимизда янги орзулар, мақсадлар пайдо бўлаверади. Бирок, ачинарлиси, бу байрам арафасида ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган баъзи кимсаларнинг пиротехникаларни сотиб пул ишлашга уриниши кўпаяди.

Божхона органлари пиротехникаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кескин кураш олиб бормоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари вилоят Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар бошқармаси ва Миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликда ноябрь ойининг ўзида ўнга яқин тадбир ўтказди.

Тадбирлар давомида Кумкўрган, Денов, Шеробод ва Термиз туманларида пиротехникаларнинг ноқонуний савдоси билан шугулланаётган 8 киши ушланиб, улардан 158 минг дона пиротехника ашёвий далил сифатида олинди. Ҳозир мазкур ҳолатлар юзасидан текширув олиб боришмоқда.

Айбдорлар албатта жазосини олади.

Одатда пиротехникаларни юртимизга яширинча олиб киришга уринишлар фақат янги йил арафасида кузатилади деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, ундай эмас! Давлат божхона хизмати органлари ходимлари бу турдаги воситаларнинг ноқонуний олиб кирилишига қарши йил давомида кураш олиб боради.

**Шаҳриддин ҚУРБОНОВ,**  
«Айритом» чегара божхона пости катта инспектори



## ПИРОТЕХНИКА ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Янги йилни борлиқни буркаган оппоқ қорсиз, ялтир-юлтур ўйинчоқлар, ям-яшил арчалару осмондаги юлдузлар каби чарақлаб, атрофга байрам шукуҳини бағишловчи мушакбозликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин кўзингизга ялтирок бўлиб кўринган, вақтингизни чоғ қиладиган бир лаҳзалик ўйинчоқларнинг ҳаммаси ҳам сиз ўйлаганчалик кўнгилни хушнуд этавермайди. Чунки турли шаклдаги, ранг-баранг қоғозларга ўралган пиротехникаларнинг кўпчилиги сифатсиз. Шунинг учун ҳам улар юртимизга яширинча олиб кирилади.

Бир донишмандга қўшниси «Фалон бойваччага бориб, таъзим бажо этиб хизматида бўлсангиз, ҳамма ишларингиз ўз ўрнига тушиб кетади» дебди. Шунда у «Кулимнинг қулига хизмат қилмайман» деб жавоб берибди. Бундан хайрон бўлган суҳбатдоши «Бу нима деганингиз, қандай қилиб шундай инсон сизнинг қўлингизнинг қули бўлади?» деб сўрабди. Донишманд эса «Нафсим менинг қулим, у бойвачча эса нафсининг қули, демак менинг қулимнинг қули-да» деб жавоб берибди.

Биламизки, ҳаром лукма ейиш ва бировга озор етказиш мусулмончиликда қаттиқ қораланади. Афсуски, ортиқча меҳнатсиз пул топиш пайидаги шундай кимсалар ҳам борки, улар бировга озор етказиш оғир гуноҳлиги ҳақида ўйлашни ҳам исташмайди. Фойда кўриш йўлида ҳеч нарсадан қайтишмайди.

Шундай бўлмаганда улар бегубор бодалардан фойда-

ланишармиди?! Чунки бола-лар атрофидаги нарсаларга кизиқувчан бўлади. Масалан, кўпчиликини хайратга солувчи ўйинчоқлар уларнинг жону дили. Пиротехникаларнинг асабга таъсир этувчи овозидан ташқари, енгил бўлса-да портлаши эҳтиётсизлик қилинса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сир эмас, ҳар йили киши бошланмаёқ пиротехника савдоси билан шугулланувчилар ҳаракатга тушиб қолишади. Тўғри-да, агар эплашса, мавсумда бир йиллик даромадини ишлаб олиш ҳеч гап эмас. Яхшиямки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида ўтказилаётган тадбирларга ички ишлар, миллий гвардия, солиқ, божхона ор-

ганлари ходимлари жалб этилган. Божхона ходимларининг сергаклиги, ИИБдагиларнинг фаоллиги туфайли ғаламислар ҳадеганда кўзлаган мақсадига етолмаяпти. Аммо мақсади йўлида эгри йўлдан фойдаланувчилар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қашқадарё вилоятида профиллактик тадбирлар давомида 13 декабрга қадар 13 та ҳолатда 200 миллион сўмлик пиротехникалар ноқонуний йўллар билан мамлакатимизга олиб кирилишининг олди олинди. Айни пайтда қонунбузарлар устидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ўтказилмоқда.

Агар чегарада ушлаб қолиниб ёки мамлакат ичкарасида аниқланиб йўқ қилинган маҳсулотлар кўзланган манзилга етказилганда, қўлаб фожиаларга сабаб бўлиши тайин эди. Шу ўринда яна бир гап. Кўнгилсиз ходисалар фақат пиротехникалар орқали эмас, хонадонларда, қорхона ва ташкилотларда ясалган арчалар атрофида ўтқа-

зиладиган мушакбозликлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Чунки озгина эҳтиётсизлик ҳам ёнғинга сабаб бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, пиротехника сотиб пул ишлайман деб хомхаёл қилиб юрганлар янглишади. Амалдаги қонунга қўра, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиниш, улардан фойдаланиш, уларни қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб кириш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўллангандан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баробаридан юз баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ёки қонунбузар икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шунингдек, баданга ўртча оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, нафақат БҲМнинг юз баробаридан икки юз баробаригача жарима, балки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланади. Одамлар ўлими ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганда эса жиноятчи саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этилиши кўзда тутилган.

Шундай экан, ҳар ким бундан ҳулоса чиқаргани маъқул. Бизнинг ниятимиз эса оғохлантиришдир. Энг муҳими, янги йилни барчамизга яхши ният, эзгу мақсадлар билан қарши олайлик! Зеро, одамларга зиён етказиш, тинчини бузиш ҳисобига топилган даромад ҳалол саналмайди.

**Норбўта ҲОЗИЕВ,**  
«Нарқу»

ЭЪЛОН

### ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ТАЪМИНОТЧИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ахборотларга ишлов бериш марказига маълумотларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш тизими вазифини бажарувчи ускуна билан жиҳозлаш учун таъминотчини танлаш.

Ишларни якунлаш муддати: 60 банк иш куни.

Лойиҳанинг чекланган қиймати 15 фоиз ҚҚС ҳисобга олган ҳолда 1 114 224 999 сўмни, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда 968 891 304 сўмни ташкил этади.

Бюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти, (бундан кейин-Бюртмачи).

Бюртмачининг манзили: 100000, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 39-а уй. Алоқа учун телефон рақами: +99871 202-86-67 (8094).

Электрон манзил: info@new-department.uz

Танлов ташкилотчиси: «Avalon» МЧЖ, давлат харидларини ўтказиш бўйича ихтисослашган ташкилот.

Лойиҳа Бюртмачининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танловда иштирок этадиган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига ёки ушбу маблағларни тақдим этиш учун банк кафолатига эга бўлиши;

– ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базаси, меҳнат

ресурслари ва мутахассисларга эга бўлиши;

– нархи жиҳатидан танлов предметиға ўхшаш объектларда иш тажрибасига эга бўлиши;

– фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва шартнома тузиш ваколатига эга бўлиши;

– танлов эълон қилинганидан камида 12 ой олдин ташкил этилган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олиш ёки танлов ташкилотчиси билан олиш мумкин.

Танловда иштирок этиш учун иштирокчилар харид комиссиясининг ишчи органига, (танлов ташкилотчисиға) давлат харидларини амалга ошириш бўйича ихтисослашган ташкилот «Avalon» МЧЖга мурожаат этишлари лозим. Манзил: 100060, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темури кўчаси 19/18-уй, боғловчи шахс: Валентин Николаевич Иванов. Телефон: +998901689028, электрон почта [avalon.uz@mail.ru](mailto:avalon.uz@mail.ru).

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзил бўйича қабул қилинади.

[www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) махсус ахборот порталида эълон қилинганидан кейин танлов ташкилотчисиға таклифлар киритиш муддати 2020 йил 24 декабрға.

Таклифларни очиб Бюртмачининг йиғилиш хонасида амалга оширилади: 100000, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 39-а уй.